

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“БАНК ИШИ” КАФЕДРАСИ

РЕФЕРАТ

Мавзу: Иқтисодиётни модернизациялаш
шароитида деҳқон ва фермер хўжаликларини
микрокредитлаш

Бажарди: БИ 50 гуруҳ талабаси
Б. Норбоев

Режа:

Кириш.

1. Тижорат банклари томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларини микрокредитлашни ташкил этиш асослари.

2. Тижорат банклари томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларини микрокредитлаш амалиёти таҳлили.

3. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида деҳқон ва фермер хўжаликларини микрокредитлашни такомиллаштириш масалалари.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш.

Қишлоқ хўжалик тизимида мулкчилик шакллари ўзгартириш, деҳқонларда ерга эгалик ҳиссини шакллантириш, тизимга хизмат кўрсатадиган бозор инфратузилмасини барпо этиш юзасидан улкан аҳамиятга молик ишлар амалга оширилди. Буларнинг бари қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигини ошириш, ишсизлик муаммосини ҳал этиш, колаверса, ички ва ташқи бозорни сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилгандир.

“Фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асоси сифатида фаолият кўрсатишлари лозим. Чунки, иқтисодий жиҳатдан эркин бўлган фуқаро, ҳақиқий мулкдоргина ўз мол-мулкни самарали тасарруф этишдан, ўз бойлигини кўпайтиришдан манфаатдор бўлибгина қолмай, балки бутун мамлакатни бойитишга ҳам қодир бўлади” деб таъкидлаганлар президентимиз И.А.Каримов.

2010 йилда қишлоқ хўжалигида деҳқончилик маҳсулотларидан полиз экинлари 11,6 фоизга, картошка етиштириш 10,3 фоизга, сабзавот етиштириш 7,8 фоизга ва мева етиштириш 10,8 фоизга кўпайди. Ўтган йилда республикада жами 3 443 минг тонна пахта, 6 952 минг тонна бошоқли дон маҳсулотлари етиштирилди. Чорвачилик маҳсулотларидан гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқариш 6,8 фоизга, сут маҳсулотлари ва тухум етиштириш мос равишда 6,7 ва 13,2 фоизга ошди¹.

Республикада деҳқон-фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида уларнинг иқтисодиётда тутган ўрни йилдан йилга ошиб бормоқда. Жумладан, 2010 йил бошида фермер хўжаликларининг сони 80628 тани ташкил этган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 18 октябридаги ПФ-3512-сонли фармойишига мувофиқ фермер хўжаликлари ер майдонларини мақбуллаштириш натижасида бугунги кунга келиб, жами 66134 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда.

2010 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2009 йилга нисбатан 6,8 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса 1,8 баробар ошгани ҳам шундан далолат беради.

Бизнинг бу борадаги энг катта ютуғимиз ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши кўпайгани ҳамда - мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда унинг роли сезиларли - даражада ошганида намоён бўлмоқда.

2000 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 31 фоизи иқтисодиётнинг фаол ривожланиб бораётган ушбу сектори улушига тўғри келган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 52,5 фоизни ташкил этди.

Қишлоқ хўжалигидаги мулкчилик муносабатларини ўзгариши туфайли юзага келган фермер хўжаликларини тармоқнинг етакчи бўғинига

¹ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 48 б.

айлантириш масаласи Республика Президенти ва ҳукуматининг доимо диққат-эътиборида бўлиб келаяпти. Жумладан, 2005 йилнинг 28 январиди бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маърузасида Президент И.Каримов кишлоқ хўжалик соҳасидаги ислохотларга яна бир марта ўз эътиборини қаратиб, шундай деди: "кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш тизими тубдан ўзгармоқда, фермерлик кишлоқда хўжалик юритишнинг энг истиқболли ва самарали шакли сифатида етакчи ўринни эгалламоқда"¹. Шу муносабат билан алоҳида таъкидлаш зарурки, мамлакатимизда паст рентабелли, иқтисодий ночор ва зарар билан ишлаётган кишлоқ хўжалик корхоналари, биринчи галда, ширкат хўжаликлари негизда фермер ва деҳқон хўжалиklarини тузиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя этиш бўйича қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинган. Масалан, 2003 йилнинг 24 мартида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисидаги Фармониининг ва 2004 йилда мамлакат парламенти томонидан янги таҳрирдаги "Фермер хўжаликлари тўғрисида" Қонунининг қабул қилинганлиги кишлоқ хўжалиги тармоғида бозор муносабатлари механизмини жорий этилишини жадаллаштиришда муҳим қадам бўлди. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, кишлоқ хўжалик корхоналарининг мустақиллигини кенгайтириш, истиқболда асосий кишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарувчи субъект бўлиб қоладиган фермер хўжалиklarини ривожлантиришни устувор йўналиш сифатида белгилаш юқорида қайд этилган қонунчилик ҳужжатларининг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг, жумладан, фермер хўжалиklarининг табиий офатлар ва бошқа рисклар рўй бериши оқибатида кўрган шрарларини сугурта йўли билан ҳимоя қилиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларига сугурта хизматларини кўрсатиш кўлами кенгайди. 2005 йилда "Ўзагросуғурта" компанияси томонидан кишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларининг мулкый манфаатларига етказилган зарарларни қоплаш учун 1222,7 млн.сўм сугурта қопламалари тўланган. Бу шубҳасиз, деҳқончилик маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий аҳволларини мустаҳкамланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилаяпти. Афсуски, фермер ва деҳқон хўжалиklarининг мулкый манфаатлари юзасидан ижобий ишлар амалга ошириляётганлигига қарамасдан, бу йўналишда ўз ечимини кутаётган муаммолар тўпланиб қолганлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Чунончи, кишлоқ хўжалик корхоналарини, жумладан, фермер хўжалиklarини ривожланиши тизимида бозор механизмларини жорий этиш қоникарли ҳолда эмас. Шунингдек, фермер хўжалиklarи ҳосилини сотиш ва мол-мулклардан фойдаланиш жараёнида анъанавийлик тамойили устунлик қилади. Ваҳоланки, бозор муносабатлари шароитида иш юритаётган фермер хўжалиklarининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ шарт-шароитларини яратиш, мулкый манфаатларни ҳимоялаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадга

мувофиқдир. Бундан ташқари қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш юзасидан олиб борилаётган давлат сиёсатини ишлаб чиқариш бўғинларига етказиш зарур.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлардан асосий мақсад соҳада мулкдорлар синфининг шакллантириш орқали рақобат муҳитини юзага келтиришдир. Амалга оширилаётган ислохотлар натижасида бугунги кунга келиб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 99 фоизи нодавлат сектори ҳисобига тўғри келмоқда.

1. Тижорат банклари томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларини микрокредитлашни ташкил этиш асослари

Тижорат банклари тамонидан фермер хўжаликларини кредитлаш масаласини кўриб чиқишдан олдин, фермер хўжалиги тўғрисида тўхталсак.

Фермер хўжалиги – бу юридик шахс мақомига эга бўлган, фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги меҳнати асосида узоқ муддатга ижарага берилган ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини товар ишлаб чиқаришига асосланган мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

Деҳқон хўжалиги - оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирадиган ва реализация қиладиган, юридик шахсни ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда фаолият юритадиган оилавий майда товар хўжалигидир.

Деҳқон ва фермер хўжаликларига микрокредитлар Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Банкротлик тўғрисида”, “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисида”, Ўзбекистон Республикасининг “микомолиялаш тўғрисида” ги қонунлари, Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари ва йўриқномалари ҳамда тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ берилади.

Тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарини кредитлаш, мулк шаклидан қатъий назар, шартномавий асосда амалга оширилади. Кредитлар корхоналарнинг талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисоб рақами жойлашган банк филиалидан берилади.

Зарар кўриб ишлаётган, ноликвид балансга эга, банк олдида муддати ўтган ссуда ва фоиз қарзлари мавжуд корхоналарни кредитлаш ман этилади. Бундай корхоналардан аввал берилган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизларни белгиланган тартибда (муддати келмаган кредитлар бўлса, муддатидан олдин) ундириб олиш чоралари кўрилади. Кредит ресурсларининг узоқ муддатга мўлжалланган кескин молиявий ўзгаришлар, хўжасизлик ва зарарларни қоплаш учун ишлатилишига йўл қўйилмайди.

Кредитлар фойдаланиш муддатига кўра қисқа ва узоқ муддатли бўлиб, кредит шартномаларида қайд этилган мақсадлар учун ишлатиш, таъминланганлик ҳамда фоиз тўлаш, қайтариш шартлари асосида берилади. қишлоқ хўжалиги корхоналарига берилаётган кредитларнинг муддати улар ҳисобидан амалга ошириладиган харажатларнинг қопланиш даврига мутаносиб бўлади.

Қишлоқ хўжалиги корхонасининг кредит йиғма-жилдини шакллантириш ва уни таҳлил этиш жараёни қуйидаги босқичлардан иборат:

- а) қарз олувчининг кредит буюртмасини кўриб чиқиб, у билан суҳбат ўтказиш;
- б) қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини, ссуда бериш билан боғлиқ таваккалчилиқни, шунингдек, кредит самарадорлигини баҳолаш;

в) қарз олувчи томонидан тақдим этилаётган кредит таъминотининг ликвидлилигини, унинг баҳосини аниқлаш;

г) кредит баҳосини, яъни унга белгиланадиган фоизни аниқлаш;

д) кредит йиғма-жилдининг хулосаси, кредит шартномаси ёки рад этиш тўғрисидаги ёзма жавоб хатини тайёрлаш.

Салоҳиятли қарз олувчи ўзининг молиявий ва ишлаб чиқариш имкониятларини таҳлил қилиб, қуйидаги бўлимлардан иборат Бизнес-режа ишлаб чиқиши лозим:

а) ўтган давр (йил, чорак, ой) учун молия-хўжалик фаолияти таҳлили;

б) ишлаб чиқарилиши режалаштирилаётган маҳсулот, иш ва ёки хизматлар бозорига тавсиф (бозорда бу маҳсулот, иш ёки хизматлар учун талаб ва таклиф, рақобат даражаси);

в) кредитга бўлган эҳтиёжнинг ҳисоб-китоби ва кредитланаётган тадбир самарадорлиги (харажат ва даромадлар таркибини акс эттирувчи бўлим-асосий бўлим);

г) ўтган давр ва кредитдан фойдаланиш даври учун пул маблағларининг кирим-чиқими;

д) кредит ва унга ҳисобланадиган фоизлар бўйича тўловлар ҳисоб-китоби;

е) кредит ҳисобидан харид қилиниши мўлжалланган товар-моддий бойликлари ёки асосий воситалар бўйича мол етказиб берувчилар билан тузилган шартномалар.

Қарз олувчи юқоридагилардан келиб чиқиб, сўровнома ва кредит буюртмасини тайёрлайди. Буюртмада кредит олиш зарурияти, унинг самарадорлиги, таъминланиши, қайтарилиши ва унга фоиз тўлаш, ўз капиталининг таркибий тузилиши ҳамда унинг кредитланаётган тадбирдаги иштироки қисқача шарҳлаб берилади.

Кредит ходими бир ҳафта ичида қарз олувчининг кредитга лаёқатлилиги, ссуда бериш билан боғлиқ таваккалчилик ва кредит самарадорлигини баҳолайди. Бунда, қарз олувчининг кредит тарихи, ундаги раҳбар мавқеъи (олдинги кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизларнинг ўз вақтида сўндирилганлиги ёки сўндирилмаганлиги, раҳбарнинг соҳа бўйича билимдонлиги, иқтисодий соҳага оид жинойтларга алоқадор ёки алоқадор эмаслиги ва бошқа шу қабилар) ҳам ҳисобга олиниши зарур.

Банк ходими қарз олувчининг рейтинг баҳоси, кредит самарадорлиги ва таъминот турини аниқлаб чиқиб, кредит бериш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги тўғрисида хулоса расмийлаштиради. Мазкур хулоса банкнинг кредит бўлими бошлиғи томонидан имзоланиб, тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда Кредит қўмитасига тақдим этилади. Кредит қўмитаси эса банк бошқаруви ёки Марказий офис Кредит қўмитаси томонидан тасдиқланган ваколат ҳамда бир қарздорга кредит беришнинг белгиланган меъеридан келиб чиқиб, уч иш куни давомида ушбу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилади.

Кредит қўмитаси томонидан мижозга кредит бериш тўғрисида қарор қабул қилинганда, банк бошқарувчиси ва қарз олувчи ўртасида кредит шартномаси тузилади. Кредит қўмитаси томонидан кредит бермаслик тўғрисидаги қарор

қабул қилинганда эса, банк мижозга бунинг сабабларини кўрсатган ёзма хабар беради.

Кредит шартномасида қуйидаги асосий масалалар акс эттирилиши шарт:

а) кредитнинг мақсади ва суммаси, уни бериш ва сўндириш тартиби;

б) кредит таъминотининг шакли, кредитнинг фоиз ставкаси ва уни ҳисоблаш ҳамда тўлаш тартиби;

в) банкнинг кредит мониторингини олиб бориш, жумладан унинг мақсадли ишлатилиши ва кредит таъминоти ҳолатини жойида бевосита текшириш ҳуқуқи;

г) мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда қўлланиладиган чоралар ва бошқа масалалар.

Кредит ходими банк ва қарз олувчи ўртасида кредит шартномаси тузилганидан сўнг ҳисоб ва ҳисоб-китоб бўлимига муддати ва фоиз ставкасини кўрсатган ҳолда, ссуда ҳисоб рақами очиш тўғрисида фармойиш беради.

Ссуда бериш тўғрисида қарор қабул қилиниб, кредит шартномаси тузилиши билан қарз олувчига кредит карточкаси очилади. Бу карточка асосида кредит устидан назорат ўрнатилади.

Кредит бўйича фоиз ставкаси банк ва қарз олувчи ўртасидаги ўзаро келишув асосида, жалб этилган ресурслар қиймати ва Марказий банк қайта молиялаш ставкаси динамикасини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга хизмат кўрсатувчи тижорат банклари ўзларининг кредит ресурслари ҳисобидан тўлов қобилиятига эга бўлган хўжаликларга ёқилғи-мойлаш материаллари, энергия манбаалари, минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалиги техникаси ва бошқа моддий техника ресурсларини олиш учун мақсадли кредитлар ажратилиши билан бирга, тижорат асосида самарадорлик билан ишлайдиган хўжаликларга ҳосилнинг 50-80 фоизи қиймати доирасида ишлаб чиқариш меъёрларига риоя қилган ҳолда “бизнес режа” асосида тўғридан-тўғри кредит маблағлари берилади.

Бундан ташқари, қишлоқда тадбиркорликни, қайта ишлаш кичик корхоналарни янада ривожлантириш мақсадида, тижорат банклари томонидан деҳқон-фермер ва ширкат хўжаликларига техника, технология, ускуналар ва механизмлар сотиб олиш учун узок муддатли кредитлар ажратилиши йўлга қўйилган.

Аммо бу хўжаликлар молиявий аҳволининг ёмонлашуви натижасида уларнинг банклардан катта миқдордаги муддати ўтган қарзлари сақланиб қолмоқда.

Қарз олувчининг тўловга қурби етмаслиги туфайли қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришдаги ссудалар бериш қийинлашиб бормоқда. Қишлоқ хўжалик корхоналари иқтисодий ночорлигининг мазкур уч таркибий қисми қишлоқ хўжалигини молиялаштириш ва кредитлаш бўйича мавжуд тизимни янада такомиллаштиришни зарур қилиб қўймоқда.

Қишлоқ хўжалигини молиялаш бўйича мавжуд тизимнинг қониқарсиз аҳволи ва қишлоқ хўжалик қорхоналарининг тўловга ноқобиллиги, кредитга қобилиятсизлиги сабабларини очиб ташлаб, уни яхшилаш бўйича Президент Фармонлари ва Вазирларо Махкамасининг тегишли қарорлари чиқди.

Фермер хўжаликларни қўллаб қуватлаш- давр талаби шу боис Президентимиз иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг ун учинчи сессиясида қишлоқ хўжалик соҳасини ривожлантириш ва уни долзарб муоммоларини ечиш масалаларига яна бир бор тўхталиб, жумладан, шундай деди: «Агар ўз вақтида шу масалаларни яъни бозор иқтисодиёти талаб этаётган янгича мулкый муносабатлар, аввало ерга эгалик ҳиссиётини шакиллантириш, ер унимдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини зомонавий техника билан таъминлаш фермер ва деҳқон хўжаликларига кенг йул очиб бериш чорасини кўрмас эканмиз, эртага бундан ҳам кўпроқ муаммоларга дучор бўламиз». Ҳақиқат ҳам, фермер хўжаликларни тараккий эттириш орқали иқтисодиётимизни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлдириш имкониятига эга бўлишимизни ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Ўз фаолиятини юридик шахсни ташкил этмасдан амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун микрокредитлар энг кам иш ҳақининг 500 (беш юз) баравари миқдоридан ошмайдиган, ўз фаолиятини юридик шахсни ташкил этган ҳолда амалга оширувчи деҳқон хўжаликлари, фермер хўжаликлари ҳамда кичик бизнеснинг бошқа субъектларига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг кам иш ҳақининг 1000 (минг) баравари миқдоридан ошмайдиган суммада қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида берилади.

Ўз фаолиятини юридик шахсни ташкил этмасдан амалга оширувчи деҳқон хўжаликлари микрокредит олиш учун банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

а) сўралаётган кредит суммаси, фоизи, фойдаланиш муддати, кредит таъминоти кўрсатилган ҳолда кредит буюртманомаси;

б) олинаётган кредитдан фойдаланиш мақсадлари албатта кўрсатиладиган бизнес-режа;

в) кредит таъминоти.

Бундан ташқари, якка тартибдаги тадбиркор ёки деҳқон хўжалигининг раҳбари паспортини шахсан кўрсатади, унинг кўчирма нусхаси кредит йиғмажилдига тикиб қўйилади.

Фермер хўжаликлари микрокредит олиш учун банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

а) сўралаётган кредит суммаси, фоизи, фойдаланиш муддати, кредит таъминоти кўрсатилган ҳолда кредит буюртманомаси;

б) олинаётган кредитдан фойдаланиш мақсадлари албатта кўрсатиладиган бизнес-режа;

в) Давлат солиқ хизматининг маҳаллий (туман) органи тасдиқлаган, охирги ҳисобот даври учун бухгалтерия баланси (1-сонли шакл), дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома (2а-сонли шакл), шунингдек 90 кундан зиёд қарзга доир солиштириш далолатномалари, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-сонли шакл) (деҳқон хўжаликларидан ташқари);

г) кредит таъминоти.

Олинган кредитни қайтарилмаслик хатарининг олдини олиш мақсадида қарз олувчи тез ва эркин сотилиш талабларига жавоб берадиган таъминотга эга бўлиши керак. Қарз олувчи банкка таъминотнинг қуйидаги турларидан бирини тақдим этиш ҳуқуқига эга:

а) мол-мулк ёки қимматли қоғозлар гарови;

б) банк ёки суғурта ташкилотининг кафолати;

в) учинчи шахслар кафиллиги;

г) қарз олувчининг кредитни сўндирмаслиги хавфи суғурталангани тўғрисида суғурта компаниясининг суғурта полиси.

Юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатувчи деҳқон хўжаликларига, юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжаликлари ва фермер хўжаликларига микрокредит умумий суммасининг 50 фоизини нақд пул билан 1,5 йил (18 ой) муддатга фақат чорва моллари, парранда, кўчат, уруғлик ва ем хашакни аҳолидан сотиб олиш учун берилишига рухсат берилади. Бунда саноат йўли билан қайта ишлаш асосида тайёрланган чорва озуқаларини сотиб олиш учун микрокредит ҳисобидан нақд пул берилишига йўл кўйилмайди.

Юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатувчи деҳқон хўжаликларига берилган микрокредитлар кредитлаш муддатига боғлиқ ҳолда 12601-"Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган қисқа муддатли кредитлар" ва 15001-"Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган узоқ муддатли кредитлар" баланс ҳисобварақларида ҳисобга олинади.

Фермер хўжаликларини кредитлашда асосий йўналишлардан бири уларга банклар томонидан имтиёзил кредитлар беррилишидир. Давлат эҳтиёжлари учун етиштириладиган пахта ва ғалла ҳосилини кредитлаш тижорат банклари томонидан амалга оширилмоқда.

“Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида”ги низом асосида кредитлаш давлат эҳтиёжлари учун ғалла ва пахта етиштирувчи барча қишлоқ хўжалиги корхоналарига татбиқ этилади.

Кредитлар давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта хом ашёси ва ғалла қийматининг 60 фоизигача (тайёрлов корхонаси томонидан бўнак тариқасида етказиб берилган уруғлик қийматини инобатга олган ҳолда) миқдорида берилади.

Бунда, кредитлар агротехник тадбирлар муддатидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги тартибда ажратилади:

- пахта хом ашёси етиштириш харажатларини молиялаштириш учун ҳосил етиштирилаётган йилнинг 1 апрелига қадар пахта хом ашёси қийматининг 25 фоизгача, 1 июлга қадар 50 фоизгача ва 1 сентябрга қадар 60 фоизгача;

- ғалла етиштириш харажатларини молиялаштириш учун ҳосил етиштирилаётган йилнинг 1 январига қадар ғалла қийматининг 30 фоизгача, 1 апрелга қадар 50 фоизгача ва 1 июнга қадар 60 фоизгача.

- Ҳар ой ва чоракларда ажратиладиган кредит ресурслари миқдори Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таклифига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

Кредит миқдори қишлоқ хўжалиги корхонасининг «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва «Ўздонмахсулот» АК корхоналари (бундан кейинги матнларда — тайёрлов корхоналари) билан давлат эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган маҳсулот учун тузилган контракция шартномаларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Кредит миқдорини аниқлаш учун амалдаги ўртача харид нарх асос қилиб олинади.

Мазкур кредитлар фақат қуйидаги мақсадлар учун берилиши мумкин:

- иш ҳақи ва унга тегишли ажратмаларни тўлаш учун;
- минерал ўғит ва ўсимликларни кимёвий ва биологик ҳимоя қилиш воситаларини харид қилиш учун;
- ёқилғи-мойлаш маҳсулотларини харид қилиш учун;
- МТПлар, муқобил МТПлар ва қишлоқ хўжалик техникаси мавжуд бўлган бошқа хўжалик субъектларининг хизматлари учун тўловларга;
- Лизингга (молиявий ижарага) берилган техника воситаларининг лизинг тўловларига;
- СИУлар (сув истеъмолчилари уюшмалари) хизматлари учун тўловларга;

- ягона ер солиғи тўловларига;

- Электр энергия тўловларига;

- Уруғлик учун тўловларга;

- Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг пахта ва ғалла етиштириш билан боғлиқ бўлган бошқа зарурий эҳтиёжлари учун ҳам тўловлар амалга оширилиши мумкин. Бошқа зарурий эҳтиёжлар ҳисобидан пахта ва ғалла етиштириш билан боғлиқ харажатларига, банк хизмати, хўжалик ва идора харажатлари, ички хўжалик ирригация ва коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш харажатлари, суғурта харажатлари, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда тўланадиган Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда фермер хўжаликлари уюшмаларини сақлаш харажатлари учун тўловлар амалга оширилиши мумкин.

Бунда, экинларни етиштириш харажатларининг ҳар бир турини молиялаштириш учун бериладиган кредитларнинг энг кўп миқдори юзасидан тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ҳар йилги ҳосил учун агротехкарталардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Мазкур тавсия этилаётган харажатларнинг агротехника меъёрлари қишлоқ хўжалиги корхоналарига бизнес-режа (иловага мувофиқ) ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги корхонасининг бирор-бир харажат тури бўйича тўловларга эҳтиёжи бўлмаган ҳолларда пахта ва ғалла етиштириш билан боғлиқ бўлган бошқа рухсат этилган харажат турлари бўйича, шунингдек қишлоқ хўжалиги техникаси сотиб олишга, ички хўжалик ирригация ва коллектор-дренаж тармоқларини тозалашга ишлатилиши (минерал ўғит, кимёвий ёки биологик воситалар, ёқилғи мойлаш материаллари ва уруғлик материал харажатлари бундан мустасно) мумкин.

Агротехник тадбирларни амалга ошириш учун ажратилган имтиёзли кредит ресурсларининг рухсат этилган харажат турлари бўйича мақсадли сарфланиши юзасидан мониторинг қишлоқ хўжалиги корхоналарига хизмат кўрсатувчи тижорат банклари зиммасига юклатилади.

Кредитлар тегишли қишлоқ хўжалик маҳсулоти бўйича қишлоқ хўжалик корхоналари билан якуний ҳисоб-китоблар якунлангунча, лекин ғалла етиштиришни молиялаштиришга ажратилган кредитлар бўйича 12 ойдан ва пахта хом ашёси етиштиришни молиялаштиришга ажратилган кредитлар бўйича 18 ойдан кўп бўлмаган муддатга, қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз берилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини кредитлаш банк маржасини ҳисобга олган ҳолда, имтиёзли фоиз ставкаси билан амалга оширилади.

Бу кредитлар бўйича имтиёзли фоиз ставкаси йиллик 3 фоиз миқдорда белгиланиб, унинг 2 фоизи банк маржасини ташкил этади.

Кредит қишлоқ хўжалиги корхонасига унинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақами очган ва унга хизмат кўрсатаётган банк томонидан берилади. Ушбу кредитларни иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақами очилган банк томонидан берилишига рухсат берилмайди.

Олдинги йилларда ажратилган имтиёзли кредитлар тўлиқ сўндирилгандан сўнг жорий йил ҳосили учун имтиёзли кредитлар берилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари тайёрлов корхоналари билан контрактация шартномалари тузганларидан кейин кредит олиш учун уларнинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига хизмат кўрсатаётган банкка ариза билан мурожаат этишади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- тайёрлов ташкилотлари билан тузилган контрактация шартномалари нусхалари;
- кредитга бўлган талабни аниқлаш учун тайёрланган бизнес-режа;
- дебитор-кредитор қарзлар тўғрисида маълумотнома ва молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот.

Кредитлар қайтишини таъминлаш мақсадида, тижорат банки давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта хом ашёси ва ғалла етиштиришни молиялаштириш мақсадида қишлоқ хўжалиги корхоналарига берилган имтиёзли кредитлар қайтарилиши бўйича ўзининг тадбиркорлик хавфини

суғурта қилиши мумкин. Бунда, суғурта ташкилотлари томонидан тақдим этилган суғурта полиси кредит шартномасида белгиланган кредитнинг бутун қайтариш муддатига берилади. Суғурта ташкилоти билан келишилган суғурта пули тақдим этилаётган кредит миқдоридан кўп бўлмаслиги зарур.

Доимий равишда давлат буюртмасини ва тижорат банки олдидаги мажбуриятларини бажариб келаётган фермер хўжаликларига кредитлар конунчиликда белгиланган тартибда таъминотсиз (ишончли кредитлар) ажратилиши мумкин.

Тайёрлов корхоналари тижорат банклари томонидан пахта ва ғалла етиштириш харажатларини қоплаш учун берилган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизларнинг қарздор қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан муддатида қайтарилиши борасида кафиллик беришлари мумкин. Кафиллик конунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

Барча зарур ҳужжатлар тақдим этилганидан сўнг, банк қишлоқ хўжалиги корхонасининг аризасини кўриб чиқиши ва 3 кун муддат ичида у билан кредит шартномаси тузиши лозим.

Банк кредит кўмитаси томонидан кредит беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолларда, у раддияни ёзма шаклда изоҳлаб бериши шарт.

Кредит шартномаси кучга киргандан сўнг, кейинги иш кунидан кечиктирмасдан қишлоқ хўжалиги корхонасига ссуда ҳисобварағи очилади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ссуда ҳисобварағидан тўловлар нақд пулсиз шаклда (иш ҳақидан ташқари) қишлоқ хўжалик корхоналарининг тўлов топшириқномаларига асосан амалга оширилади.

Жорий йил ҳосили учун етказиб берилган моддий-техник ресурслар ва кўрсатилган хизматлар учун 2-картотекага кирим қилинган ва белгиланган тартибда қарз олувчи томонидан акцептланган тўлов талабномаларига мувофиқ тўловлар амалга оширилади.

Тўлов талабномалари қарз олувчи томонидан акцептланмаган тақдирда, тўловлар суд қарори асосида ундирилади.

Шунингдек, «Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси, «Қишлоқхўжалик-кимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари ва МТП (машина-трактор парклари) туман корхоналари ва ташкилотлари билан тузилган шартномаларда фермер хўжалигининг жорий ва келгуси ойда амалга ошириладиган агротехник тадбирларига қилинадиган харажатлар қиймати миқдорида (ўғитлаш, шудгорлаш) олдиндан тўловни амалга ошириш белгиланган тақдирда фермер хўжаликлари ушбу харажатлар суммасини тўлов топшириқномалари орқали олдиндан тўловларни ўтказишлари мумкин.

Бунда, тўловлар қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) ойлик иш ҳақи тўловлари учун агротехкарталарда белгиланган меъёрларда;

б) қишлоқ хўжалик корхоналарининг минерал ўғит ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари, «Ўзагромашсервис» уюшмаси МТП ларининг хизматлари, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари, фойдаланилган

электроэнергия ва уруғлик материали қиймати учун тўловларда, маблағлар «Қишлоқхўжаликкимё» ХАЖ филиаллари, «Ўзағромашсервис» уюшмаси МТП лари, «Ўзнефтмахсулот» компанияси, «Ўзбекэнерго» ДАК корхоналари ҳамда тайёрлов корхоналарининг махсус 23210 (23220)-сонли ҳисоб рақамларига ўтказилади;

в) СИУлар (Сув истеъмолчилари уюшмалари), ўсимликларни биологик усулда ҳимоя қилиш учун биолоборатория ва биофабрикалар томонидан кўрсатилган хизматлар учун тўловлар уларнинг махсус 23210 (23220)-сонли ҳисоб рақамларига ўтказилади;

г) мукобил МТПлар томонидан кўрсатилган ва кўрсатиладиган техника хизматлари учун тўловларда, маблағлар уларга хизмат кўрсатувчи тижорат банкларида очилган 23210-сонли ҳисоб рақамларига ўтказиб берилади;

д) бошқа ташкилотлар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳамда эҳтиёт қисмлар учун тўловларда, маблағлар ушбу ташкилотларнинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақамларига ўтказиб берилади.

Тижорат банклар суғурта ташкилотлари ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг туман бўлинмалари билан биргаликда суғурта шартномаси асосида ҳар бир қишлоқ хўжалиги корхонаси бўйича пахта ва ғалла экинларининг ҳолатини ва бўлажак ҳосилнинг берилган кредитларнинг қайтарилишини таъминлаш учун етарлигини аниқлаш мақсадида доимий мониторинг ўрнатадилар.

Экинлар (тўлиқ ёки қисман) мавжуд бўлмаган ёки улар аҳволининг қониқарсизлиги, жумладан агротехник тадбирларнинг кечикиши, экин майдонларини бегона ўтлар босиб кетиши натижасида кутиладиган ҳосил олишнинг имкони йўқлиги аниқланганда, бу ҳақда банк ва суғурта ташкилоти ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг туман бўлинмалари (Фермер хўжаликлари уюшмасининг вакиллиги) биргаликда уч томонлама далолатнома тузадилар. Ушбу далолатнома асосида банк кредитлашни тўхтатади ва кредитлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизларни муддатидан олдин сўндириш чораларини кўради. Бу чоралар кредит шартномасида келишилган бўлиши керак.

Шу билан бир вақтда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг туман бўлинмалари томонидан ушбу далолатнома хизмат кўрсатувчи тармоқ корхоналарига етказилиши лозим.

Кредит шартномаси асосида берилган кредитларни қайтариш муддати етиб келганда, уларни ундириб олиш учун, қарздор — қишлоқ хўжалиги корхонасининг маблағи етарли бўлмаганда, тижорат банклари суғурта полиси асосида суғурта ташкилотларига суғурта ҳодисаси рўй берганлиги тўғрисида муружаат қиладилар.

Суғурта товони, тижорат банклари ва суғурта ташкилотлари ўртасида тузилган Бош полис асосида тижорат банкларига 5 кун муддатда тўлаб берилади.

2. Тижорат банклари томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларини микрокредитлаш амалиёти таҳлили.

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг республика иқтисодиётидаги ўта муҳим ҳамда салмоқли ҳиссаси билан алоҳида ўрин эгаллайди.

Президентимиз томонидан қабул қилинган кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашга оид фармон ва қарорларнинг ижросини таъминлаш борасида Агробанк жуда катта миқёсда ишларни амалга оширмоқда. Банк томонидан кредит маблағлари иқтисодиётнинг реал секторларига, шу жумладан аҳоли учун зарур бўлган истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ихчам минитехнологияларни сотиб олиш ҳамда хизмат кўрсатишни ривожлантиришга ажратилмоқда. Бу борада биз ОАТ “Агробанк”нинг ушбу соҳадаги фаолиятини кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ деб билдик.

Агробанк томонидан 2010 йил давомида кичик бизнес субъектларининг 29 630 та лойиҳаси молиялаштирилди, берилган кредитларнинг умумий ҳажми 283,3 млрд. сўмни ташкил этиб, белгиланган режа 103 фоизга бажарилди. Бу кўрсаткич 2009 йилга нисбатдан 86,7 млрд. сўмга ёки 144 фоизга ошди.

Агробанк томонидан 2010 йилда кичик бизнес субъектлари, фермер хўжаликларига ажратилаётган микрокредитлар ҳажми янада ортди. Берилган микрокредитлар 57,2 млрд. сўмни ташкил этиб, 2009 йилга нисбатан 137 фоизга ошди. Мазкур ажратилган микрокредитлар ҳисобига 13 904 та янги иш ўринлари яратилди.

Мамлакат иқтисодиётининг устувор тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигининг таркибий тузилмасини бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ тарзда тубдан ислоҳ қилиш натижасида мустақил фаолият юрита оладиган юридик мақомга эга молиявий бақувват фермер хўжаликлари ташкил этилди. Эндиликда республика аграр тармоғининг истиқболи шу фермер хўжаликларининг бундан буёнги саъй-ҳаракатларига боғлиқ.

Мамлакат қишлоқ хўжалигидаги ана шу туб ўзгариш ва янгилашишларни муваффақиятли амалга оширишда аграр секторнинг асосий молиявий таянчи бўлган Агробанкнинг хизматлари бекиёс бўлди.

Агробанк чорвачиликни ривожлантириш билан бирга паррандачилик, балиқчилик ва асаларичилик тармоқларини ҳам мукамал шакллантириш ҳамда улар фаолиятини кенг йўлга қўйиш мақсадида бошланган изчил саъй-ҳаракатларни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўтган йили паррандачилик тармоғини ривожлантириш тадбирларига 17,4 млрд. сўм, балиқчиликни кенг йўлга қўйиш мақсадлари учун 2,7 млрд. сўм, асаларичиликни молиявий қўллаб-қувватлашга 2,2 млрд. сўм кредит ажратилди.

Кейинги йилларда мамлакатда иссиқхона хўжаликларини барпо этиш ҳаракати кенг қулоч ёйди. Агробанк иссиқхоналар ташкил этишга қаратилган қарийб 268 та лойиҳани амалга ошириш мақсадлари учун 12,1 млрд. сўм кредит ажратди. Шунинг ҳисобидан 1512 та янги иш ўринлари яратилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича мини-технологиялар ҳамда ихчам ускуналар сотиб олиш учун 147 та лойиҳани молиялаштиришга ажратилган 15,1 млрд. сўм кредитлар ҳисобига 1114 та иш ўринлари ташкил қилинди.

Томчилатиб суғоришни ташкил этишга 18 та лойиҳани молиялаштиришга ажратилган 1,8 млрд. сўм ҳисобига 73 та янги иш ўринлари яратилди.

Уй-жой қурилишига дастлабки сармойани шакллантириш учун банк томонидан 2289 та фермер хўжалигига 47 млрд. 986 млн. сўм қисқа муддатли кредит ажратилди.

2010 йил давомида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларидан 155 та хўжаликка сабзаёт маҳсулотлари уруғлари учун 139,9 млн. сўм, уруғлик картошка учун 1992 та хўжаликка 15,5 млрд. сўм, мева кўчати учун 64 та хўжаликка 1,2 млрд. сўм, узум кўчати учун 4 та хўжаликка 70 млн. сўм микрокредит ажратилди.

Қишлоқ хўжалигини юқори унумли қишлоқ хўжалик техникалари, агрегатлар билан таъминлаш мақсадида ҳисобот йилида фермер хўжаликларига 41 та комбайн учун 4,2 млрд. сўм, 165 та ҳайдов трактори учун 7,4 млрд. сўм, 573 та чопиқ трактори учун 14,7 млрд. сўм, бошқа қишлоқ хўжалик техникалари ва агрегатлар хариди учун 3,8 млрд. сўм, эҳтиёт қисмлар учун 2,3 млрд. сўм миқдорида кредит ажратилди.

ОАТБ Агро банк ва унинг филиаллари томонидан Президентимиз ва Ҳукуматимиз томонидан қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш борасида олиб борилаётган долзарб чора-тадбирларни амалда қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан бажарилишини таъминлаш борасида катта миқёсда ишлар амалга оширилмоқда. Банк томонидан кредит маблағларини иқтисодиётнинг реал секторларига, шу жумладан аҳоли учун зарур бўлган истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ихчам минитехнологиялар сотиб олишни кредитлашга йўналтириш, янги ишчи ўринлари яратиш ҳамда улар томонидан маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳисобига нақд пул тушумларини кўпайтиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Мамлакат иқтисодиётининг устувор тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигининг таркибий тузилмасини бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ тарзда тубдан ислоҳ қилиш натижасида мустақил фаолият юрита оладиган юридик мақомга эга молиявий бақувват фермер хўжаликлари ташкил этилди. Эндиликда республика аграр тармоғининг истиқболи шу фермер хўжаликларининг бундан буёнги саъй-ҳаракатларига боғлиқ.

Мамлакат қишлоқ хўжалигидаги ана шу туб ўзгариш ва янгилашниларни муваффақиятли амалга оширишда аграр секторнинг асосий молиявий таянчи бўлган Агробанкнинг хизматлари беқиёс бўлди.


Агробанк чорвачиликни ривожлантириш билан бирга паррандачилик, балиқчилик ва асаларичилик тармоқларини ҳам мукамал шакллантириш ҳамда улар фаолиятини кенг йўлга қўйиш мақсадида бошланган изчил саъй-ҳаракатларни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўтган йили паррандачилик тармоғини ривожлантириш тадбирларига 17,4 млрд. сўм, балиқчиликни кенг йўлга қўйиш мақсадлари учун 2,7 млрд. сўм,

асаларичиликни молиявий қўллаб-қувватлашга 2,2 млрд. сўм кредит ажратилди.

1-диаграмма

**ОАТ “Агробанк” томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига
ажратилган кредитлар динамикаси²**

(млрд. сўм)




2010 йил 1 январ ҳолатига банк томонидан иқтисодиётнинг турли соҳаларига 1308,9 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Бу борадаги кўрсаткич 2008 йилга нисбатан 367,3 млрд. сўм ёки 40 фоизга кўпдир. Хусусан, қишлоқ хўжалик корхоналарига 672,4 млрд. сўм, шундан пахта ва ғалла ҳосили етиштириш харажатларига 623,7 млрд. сўм, саноат корхоналарига 205,9 млрд. сўм, моддий-техник таъминотга 137,9 млрд. сўм, савдо ҳамда умумий овқатланиш корхоналарига 122,5 млрд. сўм, қурилиш соҳасига 27,5 млрд. сўм, транспорт корхоналарига 2,6 млрд. сўм ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқ корхоналарига 140,1 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди.

² ОАТ “Агробанк” нинг ҳисобот маълумотлари асосида тайёрланди. 2010 йил.

2-диаграмма

ОАТБ “Агробанк” томонидан 2010 йил 1 январ ҳолатига пахта ва ҳалла ҳосини етиштириш харажатлари учун берилган кредитлар³
млрд. сўм



Юқоридаги диаграммада Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2009 йилда ғалла ҳосили учун 110,1 млрд. сўмлик, пахта етиштириш харажатлари учун 431,2 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди.

Ўтган йили чет эл кредит линияларини жалб қилиш орқали ҳам фермер хўжаликларининг техника таъминоти мустаҳкамланди. Банк қишлоқ хўжалигига молиявий ёрдамни кучайтириш мақсадида 2010 йилда кўплаб чет эл кредит линияларидан ҳам фойдаланди. Хусусан, Халқаро Тараққиёт уюшмаси кредит линияси ҳисобидан “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини кўллаб-қувватлаш. II босқич” лойиҳаси доирасида 12,2 млн. АҚШ доллари ҳамда 7,4 млрд. сўм миқдоридаги маблағларни ўзлаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилди.


Мазкур лойиҳа Республиканинг Андижон, Бухоро, Самарқанд, Сирдарё, Қашқадарё, Фарғона ва Тошкент вилоятларида амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида юқорида қайд этилган вилоятларда фаолият юритаётган қишлоқ хўжалик корхоналари ва уларга хизмат кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларга дон ўриш комбайнлари, ҳайдов ҳамда чопиқ тракторлари, шунингдек қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш учун ускуналар харид қилишга жами 9,2 млн. АҚШ доллари ва 12,4 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

³ ОАТБ Агробанкнинг ҳисобот маълумотлари. 2010 йил.

3-диаграмма

ОАТБ “Агробанк” томонидан шахсий томорқа ва фермер хўжаликларига ажратилган кредитлар таркиби⁴

млрд.сўмда



2009 йил давомида 4 796 шахсий томорқа эгаси ҳамда фермер хўжаликларига сабзавот, полиз, картошка, мева ва узум етиштириш учун 9,6 млрд. сўмлик кредит ажратилди. Бу борадаги кўрсаткич 2008 йилга нисбатан 38 фоиз кўпдир. Жумладан, 442 шахсий томорқа эгаси ва фермер хўжаликларига сабзавот уруғи учун 432,2 млн. сўм, 227 шахсий томорқа эгаси ҳамда фермер хўжаликларига полиз экини уруғи учун 223,4 млн. сўм, 2204 шахсий томорқа эгаси ва фермер хўжаликларига уруғлик картошка учун 5 734,9 млн. сўм, 1366 шахсий томорқа эгаси ҳамда фермер хўжаликларига мевали кўчат учун 1249,7 млн. сўм, 171 та шахсий томорқа эгаси ҳамда фермер хўжаликларига ток кўчати учун 203,1 млн. сўм, 386 шахсий томорқа эгаси ва фермер хўжаликларига минерал ўғит харид қилиш учун 267,3 млн. сўмлик кредитлар ажратилди. Мазкур кредитларни расмийлаштиришда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлари уруғлик ва кўчат харид қилишга оид намунавий бизнес режалар билан таъминланиб, уруғлик ва кўчатлар “Қишлоқхўжаликкимё” акциядорлик жамиятлари томонидан жойларда ташкил этилган шохобчалар ҳамда банкнинг кўчма савдо дўконлари (транспорт воситалари) орқали етказиб берилди.

⁴ ОАТБ Агробанкнинг ҳисобот маълумотлари. 2010 йил.

7–Жадвал

**Ўзбекистон Республикаси ОАТБ “Агро банк” томонидан пахта ва ғалла ҳосини етиштириш учун ажратилган имтиёзли кредитлар
(йил бошига, млрд. сўмда)**

№	Йиллар	Пахта ҳосили учун имтиёзли кредитлар	Ғалла ҳосили учун имтиёзли кредитлар	Йил бўйича жами
1.	2005 йил	29,6	1,4	31,0
2.	2006 йил	217,5	8,1	225,6
3.	2007 йил	261,3	55,3	316,6
4	2008йил	330,3	58,3	388,6
5.	2009 йил	355,8	80,1	435,9
6.	2010 йил	431,2	110,1	541,3
	ЖАМИ	1625,7	313,3	1939

Юқоридаги жадвалда ОАТБ “Агро банк” томонидан 2005-2010 йиллар мобайнида пахта ва ғалла ҳосини етиштириш учун ажратилган имтиёзли кредитлар динамикаси келтирилган. Агробанкнинг пахта ва ғалла бўйича кредит қўйилмалари қолдиғи 2011 йил бошига 1939 млрд. сўмни ташкил этди. Банк томонидан пахта ҳосили етиштириш учун 2005 йилда 29,6 млрд. сўмлик кредитлар ажратилган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилга келиб 431,2 млрд. сўмга етди. Бу 2005 йилга нисбатан 401,6 млрд. сўмга кўпайган. Ғалла ҳосилини етиштириш учун эса 2005 йилда 1,4 млрд. сўмлик кредитлар ажратилган бўлса, 2010 йилга келиб бу 110,1 млрд. сўмни ташкил этди.

8–Жадвал

Банклар томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларига ажратилган микрокредитлар⁵

(2011 йил 1 январ ҳолатига, млн. сўмда)

Т /р	Банклар	Жами кредитлар	Микрокредитлар	Жами кредитларда микрокредитлар улуши, фоизда
1	ТИФ Миллий банк	25850	15544	61,1
2	Саноатқурилишбанк	3638	1804	49,6
3	Агробанк	56456	28794	51,0
4	Халқ банки	26210	17757	67,7
5	Асакабанк	7057	2695	38,2
6	Ипотекабанк	5120	765	14,9

⁵ Марказий банк ва тижорат банклари йиллик ҳисобот маълумотлари асосида тузилди.

7	Микрокредитбанк	57002	19856	34,8
8	Қишлоқ қурилиш банк	1620	241	14,8
9	Бошқа банклар	11608	3491	30,1
ЖАМИ		194561	90946	46,7

Юқоридаги жадвалда тижорат банклари томонидан барча молиялаш манбалари ҳисобидан деҳқон ва фермер хўжаликларига ажратилган микрокредитлар 2011 йил бошига таҳлил этилган. Деҳқон ва фермер хўжаликларига ажратилган жами кредитлар 194561 млн. сўм бўлиб, шундан 90946 млн. сўми микрокредитларга тўғри келади. Яъни жами кредитларни 46,7 фоизини микрокредитлар ташкил этган. Банклар ичида деҳқон ва фермер хўжаликларини кредитлаш бўйича етакчи банклар ОАТ “Агробанк” ва ОАТБ “Микрокредитбанк”лар эгаллайди. Жумладан, ОАТ “Агробанк” деҳқон ва фермер хўжаликларига ажратилган кредит қўйилмалари 56456 млн. сўми ташкил этиб, шундан 51,0 фоизи микрокредитларга тўғри келади. ОАТБ “Микрокредитбанк” кредит қўйилмалари эса 57002 млн. сўми ташил этиб, унинг 34,8 фоизи микрокредитлар ҳиссасига тўғри келади.

Деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда уларга хизмат кўрсатадиган корхоналарни қишлоқ хўжалик техникалари ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлашни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтган йилда банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 100,7 млрд. сўм кредит ажратилди.

Жумладан, дон ўриш комбайнларига 24,8 млрд. сўм, ҳайдов тракторларига 30,6 млрд. сўм, чопиқ тракторларига 34,1 млрд. сўм ва бошқа қишлоқ хўжалик техникалари, турли тиркамалар ҳамда эҳтиёт қисмлар харид қилишга 11,2 млрд. сўм кредит маблағлари йўналтирилди.

Ажратилган кредитлар ҳисобидан 169 та дон комбайни, 411 та ҳайдов трактори, 1245 та чопиқ трактори, 880 та бошқа қишлоқ хўжалик техникалари, турли тиркама ва эҳтиёт қисмлар етказиб берилди.

3. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида деҳқон ва фермер хўжаликларини микрокредитлашни такомиллаштириш масалалари

Мамлакатимизда фермер ва деҳқон хўжаликларини кредитлаш тизими биринчидан, фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини ташкил қилиш ва ривожлантиришга микрокредитлар ажратиш; иккинчидан, фермер хўжаликларида давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини кредитлаш йўналишларида амалга оширилмоқда.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, фермер хўжаликларига бириктирилган ер участкаларини оптималлаштириш, пахта ва ғалланинг харид нархларини ошириш бўйича амалга оширилаётган изчил ишлар

натижасида иқтисодиётимизнинг аграр секторида таркибий сифат ўзгаришлари юз бермоқда.

Пахта ва ғалла каби стратегик муҳим қишлоқ хўжалиги экинлари билан бир қаторда, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик соҳаларида ҳам ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ўсди, қайта ишлаш тармоқлари ва ички бозорни сут, гўшт, картошка, сабзавот каби энг муҳим озиқ-овқат ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан янада кўпроқ тўлдириш учун мустаҳкам хом ашё базаси яратилмоқда.

Махсус ишлаб чиқилган кенг қўламли дастурни изчил амалга ошириш ҳисобидан ерларнинг мелиоратив ҳолати муттасил яхшиланмоқда. Фақат 2010 йилнинг ўзида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун 150 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди ва бу 724 километрлик коллектор-дренаж тармоқлари, 208 та мелиоратив қудуқларни барпо этиш ва реконструкция қилиш, қарийб 14 минг километрлик коллектор-дренаж тизимини таъмирлаш, қайта тиклаш ва 335 та замонавий мелиорация техникасини харид қилиш имконини берди.

Қашқадарё, Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Сирдарё, Жиззах вилоятлари, шунингдек, Марказий Фарғона худуди ва Қорақалпоғистон Республикасида ирригация ҳамда мелиорация иншоотларини қайта тиклаш учун 2010 йилда халқаро молия институтларининг 62 миллион доллардан зиёд маблағлари жалб қилинди ва ўзлаштирилди.

Амалга оширилган ана шундай кенг миқёсдаги ишлар натижасида 260 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди ва бу қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини, фермер ҳамда деҳқон - хўжаликларининг даромадини ошириш учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Фермер ва деҳқон хўжаликларига банклар ўз ресурслари ҳисобидан икки турдаги, яъни тижорат ва имтиёзли кредитлар ажратмоқда. Қишлоқ хўжалик корхоналарига банклар томонидан ажратилаётган тижорат кредитлари асосан 1-3 йилгача муддатга гаров миқдори кредит суммасининг 120 фоизини ташкил этади. Фаолият юритаётган фермер ва деҳқон хўжаликларининг аксарият қисми янги ташкил этилган бўлиб, уларда тижорат кредитлари учун 120 фоиз миқдориди гаровга қўйиладиган мол-мулклар мавжуд эмас.

Фермер хўжаликларида кредитнинг гаров таъминотидаги муаммоларини ҳал қилиш мақсадида Марказий банк томонидан «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларининг ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга олган ҳолда кредитлаш тартиби» ишлаб чиқилиб, 2004 йилдан амалиётга жорий қилинди. Ушбу тартибда ҳам кредитни расмийлаштириш жараёнининг мураккаблиги, яъни фермерларнинг ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини гаровга қўйишга маҳаллий ҳокимият ва идораларнинг розилик билдириши, ижара ҳуқуқининг қийматини аниқлаш механизмининг мукамал эмаслиги, тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш жараёнида фермернинг ишларига аралashi каби муаммолар мавжуд. Шунингдек, фермерга ер майдонининг 50 йилга ижарага берилган

бўлишига қарамасдан ижара ҳуқуқини гаровга қўйган ҳолда фаолият мақсадига қараб 1-5 йилга кредит берилади. Фермернинг ижара ҳуқуқини гаровга қўйган ҳолда асосий воситаларни тиклаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун узоқ муддатли кредит бериш кўзда тутилмаган.

Фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳисоб рақамларида эркин пул маблағлари мавжуд эмаслиги ёки етишмаслиги улар фаолиятига хорижий кредит линияларини жалб қилиш имконини бермаяпти. Чунки, халқаро кредит линияларини жалб қилиш бўйича қўйилган талабларга асосан, фермер ва деҳқон хўжаликларида лойиҳа ҳажмининг 25 фоизига тенг хусусий капитали мавжуд бўлсагина улар фаолиятига хорижий кредитлар жалб қилиниши мумкин. Бунинг натижасида фермер хўжаликлари фаолиятини фақатгина давлат буюртмаси учун маҳсулот етиштиришга ажратилаётган имтиёзли кредитларга боғлиқ қилиб қўймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 7 ноябрдаги «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 383-сонли қарорига асосан давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси ва ғалла етиштираётган фермер хўжаликларига ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш харажатларини қоплаш учун тижорат банклари орқали тўғридан-тўғри имтиёзли кредитлаш тизими республика вилоятлари бўйича 2003-2005 йилларда босқичма-босқич жорий этилди. Бу фермер хўжаликларини маблағ билан таъминлашнинг бозор тамойилларига мос келадиган усулларига ўтишда муҳим қадам бўлди.

Фермер хўжаликларида давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етиштиришни кредитлашда айрим камчиликлар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- жорий йилги харажатларни қоплаш учун ажратилаётган кредитлар муддати ва ҳажми харажатлар турлари бўйича ва технологик карталарга асосан тақсимланиб, маҳсулот етиштириш учун зарур ресурсларни сотиб олиш ва кўрсатилган хизматлар учун тўловларни ҳамда агротехник тадбирларни ўз муддатида амалга ошириш имконини бермаяпти;

- тақсимот жараёнида кредитга бўлган талабнинг ўтган йилги харид баҳолари асосида аниқланиши, харажатлар эса жорий йилги баҳоларда амалга оширилиши натижасида, харажатлар ва ажратилган кредит орасида катта фарқ юзага келиб, олинган кредит харажатларнинг фақатгина 45-50 фоизини қопламоқда, холос;

- давлат эҳтиёжлари учун сотиб олинаётган маҳсулот (пахта, ғалла) учун кредит ажратиш ва харид баҳоларини белгилашда, моддий-техник ресурслар ва хизматлар баҳосининг ўсиш суръатлари етарли даражада тўлиқ ҳисобга олинмаяпти;

- давлат эҳтиёжлари учун харид қилинаётган пахта ва ғалла учун тўловларнинг ўз муддатида амалга оширилмаслиги оқибатида фермер хўжаликларининг молиявий ҳолати ёмонлашиб бормоқда. Масалан, харид қилиб олинган маҳсулот учун давлатнинг фермер хўжаликларига тўловлари қопланиши буғдой бўйича 4-5 ой, пахта бўйича эса 8-10 ойдан кейин амалга

оширилмоқда. Бунинг натижасида, фермер хўжаликлари сотиб олинган ресурс ва хизматлар учун тўловларни ўз вақтида амалга ошира олмаяптилар ва инфляция юки уларнинг молиявий ҳолатига таъсир этмоқда.

Юқоридаги муаммолар амалдаги давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни молиялаштириш тизимини тубдан ўзгартириш зарурлигини кўрсатмоқда. Амалдаги тартибларга кўра, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш бўйича икки томонлама шартнома тузилиши билан бир вақтда маҳсулот етиштириш харажатлари учинчи томондан молиялаштирилмоқда. Бундан ташқари, давлат эҳтиёжлари учун етиштириладиган маҳсулотлардан олинган даромад харажатларни қопламаётган бир шароитда олинган маблағ йиллик уч фоизлик устамаси билан қайтарилмоқда.

Ажратилаётган имтиёзли кредитлар миқдори ҳақиқий харажатларнинг ўртача 45-50 фоизини қопламоқда. Шу сабабли, фикримизча, маҳсулот етиштириш учун ажратиладиган имтиёзли кредит (кейинчалик бўнак) миқдорини шартнома бўйича етказиб берилиши режалаштирилаётган маҳсулот қийматининг 80 фоизи миқдорида белгилаш мақсадга мувофиқ.

Шу билан биргаликда, зарурий ҳолларда бирор бир ресурс ёки хизматни олишга маблағ етишмаслигини бартараф қилиш мақсадида ажратилган бўнакни бир йўла ёки икки қисмга бўлган ҳолда фермер хўжалигининг эркин ҳисоб рақамига ўтказиб бериш йўли билан фермер хўжалиги учун қачон зарур бўлганда фойдалана оладиган шароитни яратиш лозим. Умуман олганда, фермер маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида зарурий моддий-техника ресурси ёки хизмат учун ўз вақтида пул тўлаш имкониятига эга бўлиши лозим. Бунда кредит ёки бўнак қайси маҳсулот учун олинган бўлса, ана шу маҳсулотни етиштириш доирасида сарфланишини шартнома тузган корхоналар томонидан назорат қилишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Иқтисодчи олим Хожибоев М.нинг илмий иши билан танишиш жараёнида, у томонидан қишлоқ хўжалик корхоналарида кредит ресурсларидан фойдаланишдаги муаммоларни ўрганиш бўйича ўтказилган анкета сўровлари натижалари шуни кўрсатдики, фермер хўжаликлари ва бошқа кичик бизнес субъектларини кредитлар билан таъминлаш мақсадида зарур ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинганлигига қарамасдан, фермер хўжаликлари кредит ресурслари, шу жумладан, имтиёзли кредитлар билан етарли даражада таъминланмаяпти.

Сўров ўтказилган фермер хўжаликларида жамғармалар ва банкларнинг имтиёзли кредитларидан фойдаланаётган фермерлар салмоғи 19,8 фоизни ташкил этади. Таҳлилларимиз кўрсатишича, ҳозирги кунда фермерларни имтиёзли кредитлар билан таъминлашда тижорат банкларининг имтиёзли кредит фонди салмоқли ўрин (42,8%) тутмоқда.

Таъкидлаш жоизки, фермер хўжаликларида ажратилаётган кредитларнинг аксарият қисми 1-3 млн. сўмни, муддати 1-3 йилни ташкил этмоқда. Бу фермерга трактор ёки бошқа турдаги қишлоқ хўжалик техникаси сотиб олиш имкониятини бермайди. Фермерларнинг тижорат банклари ва

бошқа жамғармалардан кредит олиш тизими бир томондан нисбатан мураккаблаштирилиб юборилган бўлса, иккинчи томондан, кредит ресурсларининг ўзи ҳам етарли эмас. Бундан ташқари, фермерларга кредит берувчи нодавлат ташкилот ларининг умумий берилган кредитлардаги салмоғи жуда кам.

Республикамиз ҳукумати томонидан молиявий маблағларга мухтож деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги ПҚ-308-сонли «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2008 йил 21 апрелдаги ПҚ-842-сонли «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларига асосан, чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи деҳқон хўжаликларига тижорат банклари ресурслари ва бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан кредит маблағлари ажратилмоқда.

Деҳқон хўжаликларининг кредитга эҳтиёжи юқори, лекин, уларни тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш имкониятининг чекланганлиги, банкдан ташқари молиявий институтларнинг етарли даражада ривожланмаганлиги сабабли, кредит ресурсларидан фойдаланаётган деҳқон хўжаликлари сони унчалик кўп эмас. Деҳқон хўжаликларини молиявий ресурслар билан таъминлаш энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланиб, ушбу муаммони ҳал этмасдан аҳоли бандлигини таъминлаш, қишлоқ аҳолиси даромадларини ошириш, қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантириш мумкин эмас.

Банклар учун эса, деҳқон хўжаликлари ноқулай миқдорда қолмоқда. Ушбу ҳолатни қатор сабаблар билан изоҳлаш мумкин, жумладан: банк учун таваккалчилик омилининг юқорилиги, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг паст рентабеллиги, етарли даражадаги гаров таъминотининг йўқлиги, ҳисоб рақамининг мавжуд эмаслиги, деҳқон хўжаликлари томонидан аксарият ҳолларда кам миқдорда кредит олиниши, кредитни расмийлаштириш жараёнининг мураккаблиги ва бошқалар.

Мамлакатда фермер ва деҳқон хўжаликларини етарли миқдорда, қулай шароитларда кредит ресурслари билан таъминлашда банкдан ташқари, яъни кредит уюшмалари орқали кредитлаш тизимини жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун, аввало, улар иштирокида алоҳида банкдан ташқари кредитлаш муассасалари – кредит уюшмалари ташкил қилишга асосий эътибор қаратиш лозим. Фермер ва деҳқон хўжаликлари иштирокидаги кредит уюшмалари фаолиятини четдан қўллаб-қувватламасдан туриб йўлга қўйиш ва ривожлантириш қийин кечади. Бизнинг фикримизча, бундай уюшмаларда аввало давлат томонидан ҳуқуқий, молиявий-иқтисодий жиҳатдан бевосита қўллаб-қувватлаш тизимини жорий этиш лозим.

Бевосита қўллаб-қувватлашга фермер ва деҳқон хўжаликлари иштирокида ташкил қилинадиган кредит уюшмаларига тўғридан-тўғри

мақсадли маблағ ажратишни киритиш мумкин. Бунда давлат томонидан бир неча вариантда маблағ ажратилиши мумкин. Биринчи вариантда давлат томонидан фермер ва деҳқон хўжаликлари иштирокидаги кредит уюшмаларига қайтариб олмаслик шарти билан мақсадли маблағ ажратади ва кредит уюшмалари ушбу маблағларни ўз миқдорларини кредитлашга йўналтиради.

Иккинчи вариантда кредит уюшмалари ресурсларини шакллантиришга давлат томонидан маълум бир муддатдан кейин қайтариб олиш шарти билан маблағ ажратилади. Бу муддат камида 10 йил ва ундан кўпроқ бўлиши мақсадга мувофиқ. Бу муддат ичида кредит уюшмаси томонидан ўз кредит ресурси шакллантириб борилади ва кейинчалик ўз маблағи ҳисобидан кредит бериш имкониятига эга бўлади.

Кредит уюшмалари томонидан фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини кредитлашдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун куйидагиларга эътибор бериш керак:

- кредит уюшмаларини қишлоқ жойларда ташкил этишни кенгайтириш лозим. Бу, бир томондан, улар фаолиятини фермер ва деҳқон хўжаликларига яқинлаштириш имконини берса, иккинчи томондан, қишлоқ жойларида қишлоқ хўжалигидан ташқари соҳалардаги тадбиркорлик субъектларини ҳам ривожлантиришга ёрдам беради;

- қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини кредитлашда кредит уюшмалари ходимларини ўқитиш ва малакасини ошириш бўйича курслар ташкил этиш;

- кредит уюшмаларига хорижий ҳамкорлар билан ишлашга ва хорижий валютада операцияларини амалга оширишга имкон бериш. Бу биринчидан, хорижий сармояларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жалб қилиш, иккинчидан, донор ташкилотларнинг маблағларини жалб қилиш ҳисобига берилаётган кредитларнинг фоиз ставкаларини пасайтириш имкониятини яратади ва, учинчидан, кредит уюшмаларида актив шаклидаги ресурслар тақчиллигининг олдини олади.

Фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини кредитлашда асосий муаммолардан яна бири – олинадиган кредитни гаров билан таъминлаш масаласидир. Фермер хўжаликларининг кредит олишлари учун гаров тақчиллиги юзага келган шароитга мос келадиган молиявий тадбирларни қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Омборхона тилхати ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида ўзининг афзаллигини кўрсатган ана шундай молиявий тадбирлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда мазкур усул ортиқча маҳсулотга эга бўлган ва уни кейинчалик сотиш учун ўз уйида сақлайдиган фермерлар учун муҳим аҳамият касб этади. Омборхона тилхати усули давлат эҳтиёжидан ортиқча маҳсулотни эркин тасарруф қилиш имконияти бўлган ғаллачилик тармоғида қўлланилиши мумкин. Бу, фермерларга кўшимча айланма маблағга эга бўлиш, бир вақтнинг ўзида маҳсулотни йиғиштириб олиш мавсумидаги паст нархларда сотиш ўрнига маълум бир муддат ўтгандан кейин нисбатан юқори нархларга сотиш имконини беради.

Дехқон хўжаликлариди айланма маблағларни тўлдириш мақсадида кредит олиш учун гаровнинг етишмаслиги ҳам тез орада ҳал қилиниши лозим бўлган масалалардан ҳисобланади. Бунда бир қатор шарқий Осиё давлатлари тажрибасига асосланган ҳолда ижтимоий гаров усули, яъни дехқон хўжаликларининг ўзаро бирлашган гуруҳларига жамоа жавобгарлиги асосида қисқа муддатли (1 йилгача) кредит бериш тартибини жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Бунда ўзаро бир-бирига ишонган кишилар гуруҳига кредит берилади ва кредит учун гаров талаб қилинмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, микромолиявий хизматлар кўрсатиш фаолиятини тижорат банклари ва нобанк кредит ташкилотлари орқали қўллаб-қувватлаш мақсадида қуйидаги ишлар амалга оширилиши лозим деб ўйлаймиз.

- тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитлар таркибида микрокредитлар салмоғини янада ошириб бориш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига микролизинг хизматлар кўрсатиш ишларини янада кенгайтириш;

- микрокредитларни ривожлантириш мақсадида нобанк кредит ташкилотлар фаолиятига тижорат банкларининг кўмаклашиши;

- туман ва шаҳар марказларида, қишлоқ фуқаролар йиғинларида тадбиркорлар билан учрашувларни ташкил этиб бориш ва уларга микромолиявий хизматлар кўрсатишнинг меърий-ҳуқуқий асосларини ёритиб бериш;

- банк ва нобанк хизматини кўрсатишда миқознинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини доимий ёритиб боришни таъминлаш;

- ММТларнинг ички фонд бозорида облигациялар ёки шунга ўхшаш воситаларни чиқариб, ўз-ўзларини молиялашлари, шунингдек, йирик депозит сертификатларни эмиссия қилишларини таъминлаш;

- аҳоли депозитларини қабул қиладиган ММТларга капиталнинг етарлилиги хусусида қўйиладиган талаблар тижорат банкларига қўйиладиган шундай талаблар даражасида бўлишини таъминлаш зарур.

Ўзбекистон Республикасида микромолиявий хизматлар кўрсатишнинг ривожланишига, уларнинг моддий ва маънавий маблағлар билан таъминланишига, мамлакатда миллий ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, мамлакат экспорт салоҳиятининг кўтарилиши, ишсизлик муаммоларининг ижобий ҳал этилишига ва охир-оқибат мамлакат иқтисодиётининг барқарорлашувига олиб келади.

Республикада дехқон-фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун амалга ошириладиган чора-тадбирлар натижасида уларнинг иқтисодиётда тутган ўрни йилдан йилга ошиб бормоқда. Жумладан, 2010 йил бошида фермер хўжаликларининг сони 80628 тани ташкил этган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 18 октябридаги ПФ-3512-сонли фармойишига мувофиқ фермер хўжаликлари ер майдонларини мақбуллаштириш натижасида бугунги кунга келиб, жами 66134 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. 2010 йил бошида уларга

ижарага берилган ер майдонлари жами 5828.4 минг гектарни ташкил этиб, бир фермер хўжалигига ўртача 37.9 гектар экин майдони тўғри келди. Бугунги кунда фермер хўжаликларига 5295.1 минг гектар ер майдони ижарага берилган бўлиб, бир фермер хўжалигига ўртача 80.1 гектар ер майдони тўғри келмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб давлатимиз раҳбари томонидан деҳқон-фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2002 йил 7 ноябрдаги “Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 383-сонли қарорига мувофиқ давлат эҳтиёжлари учун пахта хом-ашёси ва ғалла етиштираётган фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш харажатларини қоплаш учун тижорат банклари томонидан тўғридан-тўғри имтиёзли кредитлаш тизими республикаимиз бўйича 2003-2005 йилларда босқичма-босқич жорий қилинди. Давлат эҳтиёжи учун пахта ва ғалла тайёрлаш билан боғлиқ харажатларни имтиёзли кредитлаш жамғармаси томонидан кредитлаш тартибини такомиллаштириш йўналишлардан бири сифатида халқаро амалиётда ўзини оқлаган давлат томонидан субсидиялаш механизмини жорий этиш таклиф қилинган.

Республикаимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида санаб ўтилган муаммоларнинг мавжудлиги субсидиялаш механизмини босқичма-босқич жорий этиш зарурлигини кўрсатмоқда. Фикримизча, дастлаб етиштирилаётган пахта ва ғалланинг 10-20% атрофидаги қисмини сотиб олиш баҳосини эркинлаштириш лозим. Сўнгра зарур моддий-техника таъминоти, ёқилғи ва минерал ўғитлар бозорини вужудга келтириш ва ундаги нархлар эркин рақобат асосида шаклланишига эришиш зарур. Республикаимизда етиштирилаётган пахта ва ғалла ҳосилининг қолган 80-90% и давлат қабъий баҳода сотиб олиши, схема асосида барча моддий-техника таъминоти, уруғлик, ёқилғи, минерал ўғит ва бошқаларни қабъий баҳода етказиб берилишини таъминлаши лозим. Бозор баҳоси билан қабъий баҳолар ўртасидаги фарқ давлат бюджети томонидан тартибга солиниши лозимдир.

Маълумки, пахта ва ғалланинг ҳар бир тоннасига сарфланадиган моддий-техника таъминоти, уруғлик, ёқилғи, минерал ўғитлар ва бошқа харажатлар маълум меъёрлар асосида ҳисоблаб чиқилади. Натижада, давлат эҳтиёжлари учун етиштириладиган пахта ва ғалла ҳосилининг меъёрий таннархи ва баҳоси белгиланади. Умуман олганда айтишимиз мумкинки, юқорида келтирилган замонавий тизимнинг қўлланиши схема асосидаги қабъий баҳоларга асосланган ҳисоб-китоблар босқичма-босқич камайишига олиб келади. Натижада, 8-9 йил муддат мобайнида бюджетдан субсидиялаш механизмини тўла равишда амалиётда жорий этиш мумкин.

Хулоса

Ҳар қандай фаолиятдагидек банк фаолияти ҳам мавжуд маблағларни энг кам риск асосида жойлаштириб юқори даромад олиш имкониятига эга бўлишни кўзда тутди. Юқори даромад олиш эса ўз навбатида банклар олиб борадиган асосий операциялар, кредит операцияларининг рисклилиқ даражасини оширади, чунки банклар асосан четдан жалб қилинган ресурслар билан ишлайдилар. Улар бир томондан ўз акциядорлари олдида жавобгар бўлсалар, иккинчи томонидан, ўз маблағларини ишониб топширган ва банк хизматларидан фойдаланаётган миқозлар олдида мажбуриятга эгадирлар. Шу сабабли тижорат банклари бошқа субъектларга қараганда юқори риск билан фаолият кўрсат адилар. Бу рисклар орасида банк кредитларининг ўз вақтида қайтмаслиқ рисклари банклар олдида жуда катта муаммо бўлиши мумкин. Айниқса ҳозирги кичик бизнес ва тадбиркорлиқ субъектларини ривожлантиришга катта эътибор берилаётган бир пайтда, улар билан боғлиқ банк рисклари: биринчидан, ушбу соҳанинг ўзи рискли соҳа бўлганлиги сабабли ва иккинчидан ушбу соҳани микромолиялашда берилган микрокредитларнинг қайтмаслиқ хавфи банк олдида ечилиши лозим бўлган бир қанча муаммоларни кўяди.

Аграр ва аграр индустриал мамлакатларнинг асосий қисмида қишлоқ хўжалиги миллий иқтисодиётнинг устувор тармоғи, тараққиёт пойдевори ҳисобланади. Бунинг боиси биринчидан, қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодиётининг бошқа тармоқларини хом-ошё билан аҳолини эса, озиқ-овқат билан таъминловчи ягона тармоқ ҳисобланади. Иккинчидан қишлоқ хўжалиги мамлакатда мавжуд бўлган ва бошқа тармоқлар қамраб олиши қийин бўлаётган, фойданилмаётган ишчи кучи ресурслари, табиий, ишлаб чиқариш ресурсларини ҳаракатлантирувчи имкониятига эга бўлган тармоқдир.

Аграр ислохотларни амалга оширишда биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бозор муносабатларига мос бўлган шаклларини танлашга эътибор қаратилди. Қишлоқ хўжалигида самарали меҳнат тизимини ташкил этишга эътибор кучайтирилди. Бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар турли мулчилик ва хўжалик юритиш шаклидаги хўжалик субъектларини қамраб олиб, уларнинг ривожланиши учун кўлай ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий шароитларни яратиш орқали аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига ва саноатнинг хом-ашёга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондиришга қаратилгандир. Малакатимиз қишлоқ хўжалиги тизимида мулкдорлар синфи ширкат хўжаликлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчи мустақил фермер хўжаликлари, майда товар ишлаб чиқарувчи деҳқон хўжаликлари, истиқболли қишлоқ хўжалик тадбиркорлиги ва бошқалар сифатида шаклланмоқда.

Курс иши натижасида қуйидаги хулосалар шакллантириш мумкин:

1. Қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан етиштирилаётган махсулот турларидан пахта ва ғалланинг давлат эҳтиёжлари учун қабтий баҳоларда сотиб олиниши;

2. Пахта ва ғалла ҳосилини тайёрлашда зарур бўлган товар-моддий қийматликлар ва хизматлар бозорининг ривожланмаганлиги, яъни уруғлик, моддий-техника таъминоти, сув, минерал ўғитлар ва ёқилғи турларининг мавсумда танқислиги натижасида уларнинг фонд (разрядка) бўйича тақсимланиши;

3. Республикада гўшт махсулотларини кўпайтириш мақсадида ҳудуд ва туманлар бўйича қорамол сонига қараб омухта ем махсулотларининг бозор нархларидан паст нархларда тақсимланиши ва бошқалар.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг кредитор қарздорлиги ўсиш тенденциясига эга эканлиги уларнинг кредит тўловига лаёқатлилиги пасайишига сабаб бўлмоқда. Бундай шароитда қишлоқ хўжалик корхоналари балансида юқори ликвидли гаров объектларининг етишмаслиги уларнинг кредит тўловига лаёқатсизлиги муаммосининг янада чуқурлашишига сабаб бўлмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – тўлдирилган 2 чи нашри. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003. – Б. 7-29.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – тўлдирилган 2 чи нашри. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003. – Б. 30-47.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Микромолиялаш тўғрисида»ги Қонуни // 2006 йил 15 сентябрь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили Давлат дастури»ги 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1447-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2007 йил 14 апрелда 1675-сон билан рўйхатга олинган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви томонидан 2007 йил 13 мартда 288-В-сон билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида»ги Низом (янги тахрирда).
7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 21 февралда 1548-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви томонидан 2005 йил 31 декабрда 273-В-сон билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2005 йил 31 декабрда 111-сон билан тасдиқланган «Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва Микрокредитбанк кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида»ги Низом.
8. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.-Тошкент.: Ўзбекистон, 2011-Б.58.
9. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / – Т.:Ўзбекистон, 2009. - 56 б.
10. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.
11. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. – Тошкент: « IQTISOD-MOLIYA », 2007.–347 б.
12. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. – Тошкент: Молия, 2003. –320 б.

13. Миразев Ф.И. Банклараро рақобат: моҳияти, шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. Монография. Тошкент: Молия, 2008. - Б. 320.

14. Қоралиев Т., Ғ.Яхшибоев. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий таъминлаш механизми. – Тошкент: Академия, 2006. -116 б.

15. Қудратов Ғ., Хасанова Р, Махмудов Б., Хаджаев Х. Аграр секторда кичик бизнесни ривожлантиришнинг иқтисодий аҳамияти. Ўқув қўлланма. – иқтисод-молия, 2008. – Б. 74.

16. Маматов Б., Носиров Э., Хўжамқулов Д., Шарифхўжаева К. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш» Тошкент - 2007. 152 бет.

17. Ходжаев Р., Эгамбердиев А., Шоюсупова Ф. «Кичик бизнесни бошқариш» I қисм Тошкент. «ИҚТИСОД - МОЛИЯ» 2007. 180 бет.

18. Ходжаев Р., Эгамбердиев А. “Кичик бизнес ва тадбиркорлик”. Ўқув қўлланма Тошкент – “IQTISOD-MOLIYA” . 2008. 108 бет.

19. Холмирзаев И.А., Хожибоев М.Ш. Қишлоқ хўжалигида молия-кредит тизимини эркинлаштириш // Аграр иқтисодиёт. Илмий-амалий муаммолар бюллетени. – Тошкент, 2006. - № 2/3. – Б. 19-21.

20. Хожибоев М.Ш. Банк кредити // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2006. - №8. – Б. 6.

21. Хожибоев М.Ш. Фермер хўжаликларини имтиёзли кредитлаш механизминини такомиллаштириш // Аграр соҳада ислохотларни чуқурлаштириш ва фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Андижон, 2007. - Б. 21-23.

22. Хожибоев М.Ш. Қишлоқ хўжалигини кредитлаш ва бунда хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш // Иқтисодиёт ва таълим. – Тошкент, 2008. - №4. – Б. 88-91.

23. Хожибоев М.Ш. Фермер ва деҳқон хўжаликларини кредитлашда гаров муаммоси ва уни ҳал этиш йўллари // Социально-экономические проблемы развития интеграционных процессов в условиях либерализации национальной экономики. Сборник научных трудов. – Москва, 2008. - С. 171-172.

24. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2005-2010 йиллардаги.

25. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳисобот маълумотлари 2006-2010 йиллар.

26. Ўзбекистон Республикаси ОАТБ “Агробанк”нинг йиллик ҳисобот маълумотлари. 2006-2010 йиллар.

27. Интернет сайтлари:

www.bir.uz

www.cbu.uz

www.finance.uz

www.bma.u